ZBEKISTON … LIKASI KITOB PALATASI

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2001 йил, 22 ноябрь, пайшанба № 140 (1560).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 22 ноября, 2001 г. № 140 (1560).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 ноябрь куни Оқсаройда АҚШ сенаторлари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, АҚШ Конгрессининг сўнгги вақтлардаги фаолиятига юқори баҳо берди.

— 11 сентябрь фожиасидан кейин Сенатда ва умуман Конгрессда партиялараро баҳсларга чек қўйилиб, бир овоздан мамлакат Президентини қўллаб-қувватлашга қарор қилингани, конгрессменлар хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни қонуний ҳужжатлар билан таъминлашга фаол киришиб кетгани эътиборга моликдир,— деди Ислом Каримов.— Ана шу ватанпарварлик туфайли 25 сентябрдаёқ Конгресс «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» қонун қабул қилди.

Маълумки, Сенат 12 сентябрь куни террорни таг-томири билан йўқотиш ишига барча воситаларни жалб этишга қаратилган резолюция қабул қилган эди. Кейинроқ Конгресс Оқ уй маъмуриятининг бу мақсад учун 40 миллиард доллар ажратиш ҳақидаги қарорини маъқуллади.

Демократ Карл Левин Сенатнинг Қуролли кучлар бўйича қўмитасига раислик қилади. Жон Уорнер ҳам мудофаа сиёсатига оид қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, ҳарбий бюджетни кўриб чиқиш, мудофаа вазирлигидаги юқори лавозимларга номзодларни тасдиқлаш каби ғоят муҳим ишлар билан шуғулланувчи ушбу қўмитанинг Республикачилар партияси томонидан сайланган аъзоси. Уларнинг ҳар бири 23 йиллик сенаторлик тажрибасига эга бўлиб, АҚШдаги обрўли сиёсий арбоблардан ҳисобланади.

Оқсаройдаги учрашувда икки мамлакат ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият, минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

## „Тинчлик учун курашмоқ керак"

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласини кўп минг нусхада чоп этди.

Мажмуадан мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда вужудга келган вазият муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган баёноти ҳамда халқимизда катта қизиқиш уйғотган ушбу муҳим ҳужжат муҳокамалари доирасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбати баёни ўрин олган. Бундан ташқари, китобда Юртбошимизнинг жафокаш афғон заминида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масаласи бўйича илгари турли анжуман ва йиғилишларда, нутқ ва чиқишларида баён этган фикрлари, олға сурган таклиф ва ташаббуслари ҳам эълон қилинган.

Давлатимиз раҳбари ўз асарларида халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган бир пайтда тинчлик бўлсин, деган тилаклар билан чекланиш кифоя эмаслиги, бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши зарурлигига эътиборни қаратади. «Тинчлик — осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. — дея таъкидлайди Юртбошимиз. — **...Ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим».**

Президент Ислом Каримов турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлаш борасидаги ўта долзарб масалалар хусусида тўхталар экан, пировардида шундай дейди:

«Ишончим комилки, иймони бутун, иродаси бақувват, буюк аждодларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшайдиган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намоён этиб, терроризм деган жирканч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади».

(ЎзА).

## АҚШ ГЕНЕРАЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнкс матбуот анжумани ўтказди.

Америкалик генерал Ўзбекистонга мазкур ташрифи чоғида Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашуви якунлари хусусида тўхталар экан, АҚШ ҳукумати Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашини таъкидлади.

Томми Фрэнкс Ўзбекистонга мамлакатимиз ҳудудида қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик операцияларини Афғонистонда амалга ошириш учун жойлаштирилган америкалик ҳарбийларнинг яшаш шароити билан танишиш ва уларни АҚШнинг миллий байрами «Шукрона куни» билан табриклаш учун келганини маълум қилди.

Меҳмон аксилтеррор операциясининг бориши ҳақида гапирар экан, бу жараён кўнгилдагидек кетаётганини таъкидлади. Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар мазкур мамлакатдаги террор ўчоқлари батамом тугатилгунча давом этишини билдирди. (ЎзА).

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент ассамблеяси раиси Адриан Северин бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — ЕХҲТ ҳамкорлиги самарали кечаётганидан мамнуният билдирилди.

Музокарада Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги парламентлараро алоқалар масаласи атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, айни пайтда Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашилди.

Шу куни ЕХҲТ Парламент ассамблеяси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. (ЎзА).

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов ҳамда Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан АҚШ Сенати аъзолари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Музокарада икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч асосидаги мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари қарор топгани, лекин дунёда юз бераётган ўзгаришлар бу алоқаларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада такомиллаштиришни тақозо этаётгани таъкидланди. Меҳмонлар АҚШ Ўзбекистон билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини айтди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид ва қатнашчиларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. (ЎзА).

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Ҳарб илми — ҳарбий санъат осонликча эгалланмайди. Бу илмни эгаллаш йўлида қанча-қанча изланишлар, машаққат ётибди. Дилда иштиёқ бўлса машаққатлар ҳеч нарса эмас.

Курсант сержант Элбек Хўжамқулов танкчи офицер бўлишга астойдил бел боғлаганлардан бири. У айни чоғда билим юртида аъло баҳоларга таҳсил олмоқда. Амалий машғулотларда назарий билимларини юксак даражада намоён этаётир.

Н. ЮСУПОВ олган сурат.

● БУГУН — ЖАНГОВАР БАЙРОҚ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## ШОН-ШАРАФИМ РАМЗИСАН

Байроқдор Жанговар байроқни чап елкасида, саф Низомида кўрсатилган ҳолатда мағрур кўтарганча шахдам қадам ташлаб бормоқда. Ростланиб туришган посбонлар қалбида ҳавас алангаланади. Ахир байроқдор аскар жамоанинг матонат, шон-шараф рамзини кўтариб ўтмоқда. Посбонга Ватанни астойдил севиш, шу муқаддас тупроқни кўз қорачиғидек асраш, халқига, Президентига содиқ қолишни эслатиб турувчи Жанговар байроқ ўтмоқда-да.

Маълумки, Президентимизнинг 1993 йил 22 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида»ги Фармонига асосан ғururимиз, шон-шарафимиз, ватанпарварлигимизнинг бу муқаддас рамзига асос солинди. Фармонга мувофиқ Қуролли Кучлар Жанговар байроғининг ягона намунаси белгиланиб, у тўғрисидаги қоидалар тасдиқланди.

Жанговар байроқ дастлаб қайси ҳарбий жамоаларга топширилганини биласизми? Бўлмаса эшитинг. 1995 йилнинг 16 январида Тер-

(Давоми 2-бетда).

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

## «ПЕРВЫМ ЛАСТОЧКАМ» НЕНАСТЬЕ НЕ ПОМЕХА

**20 ноября 2001 года — этот день станет знаменательным в истории наших Вооруженных Сил. В этот день в школах подготовки сержантов состоялся первый выпуск.**

Прибыв в Чирчикскую школу подготовки сержантов несколько ранее намеченного срока, мы понаблюдали за последними приготовлениями к торжествам.

И вот наконец над плацем звучат долгожданные команды — начальник школы полковник Н. Саидов докладывает командующему войсками Ташкентского военного округа полковнику Б. Ташматову о готовности к началу торжества.

Слово для зачитки приказа командующего войсками ТВО предоставляется нача-

(Окончание на 2-й стр.).

## ЎН ЁШИНГ МУБОРАК

«Ватанпарвар» газетаси жамоаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотини ташкил топганига 10 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти бу қисқа давр мобайнида республикадаги энг оммавий ташкилотлардан бирига айланиб, ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик, шонли жанговар анъаналар ва буюк аждодлар ўгитлари руҳида тарбиялаш, ўсмирларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш, ҳарбий ва фуқаровий касбларни эгаллаш, спортнинг ҳарбий-амалий турларини шакллантириш йўлида улкан ишларни амалга оширди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг мустақил Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ёрдам бериш йўлидаги эзгу ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

